

# Oila va jamiyat

@oilavajamiyatgazetasi\_bot

*Sen baribir  
muqaddassan,  
muqaddas  
ayol!*



## Mo'tabarlik maqomiga munosiblar



Президентимизнинг 2018 йил 2 февралдаги Фармонига мувофиқ, жамият ва давлат ҳаётида фаоллик ва ташаббускорлик кўрсатган, самарали меҳнати билан оиланинг шаклланиши ва фаровонлигига, оналик ва болалик муҳофазасига муносиб ҳисса қўшган, шунингдек, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, уларни ватанпарварлик ва истиқлол гоёларига садоқат руҳида тарбиялаш, жойларда маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлаштириш ва миллий қадриятларимизни кенг тарғиб этиш борасида ибратли фаолият олиб бораётган хотин-қизларни муносиб тақдирлаш мақсадига "Мўтабар аёл" кўкрак нишони таъсис этилган. ● 2



## Oliy toifali onalar

Аллоҳ, аёлни гўзал, доно, оқила, адолатпарвар ва меҳнатсевар қилиб яратган. Бу борада ҳар бир аёлнинг ўзи бир дунёга тенг. ● 3



Ummon  
ortidagi ilk  
o'zbek  
olimasi







# OLIY TOIFALI ONALAR

**Аёл – ҳаётнинг ўзи каби сир-синаотли, чексиз ва битмас-туганмас бир мавзудирким, бу мавзуни ёритиш ҳар қандай саъй-ҳаракат, ҳар қанча изланиш, рағбат ва таҳсинга, қўллаб-қувватлаш ва хайрихоҳликка арзийди. Яратган, аёлни гўзал, доно, оқила, адолатпарвар ва меҳнатсевар қилиб яратган. Бу борада ҳар бир аёлнинг ўзи бир дунёга тенг.**

## Рўзгор деб бахтидан айрилган она

Аёл – фарзандларининг келажаги учун ўзини фидо қилишга тайёр инсон. Бир аёлни биламан, эри нўқо ва касалманд. У фарзандларини кам-кўстсиз ўстирмоқ истадим, рўзгор деган горни тўлдирмоқ истадим, балки қўлидан нималар келишини кўрсатиб қўймоқчи бўлдимми? Кўнглидан нелар ўтгани ўзига-ю ёлғиз Худога аён. Нима бўлганда ҳам ўша аёл чет элда ишлаб келишни энг сўнгги имкон, деб билиб, ўзга юртларга кетди. Эри тўрт бола билан рўзгорининг оғир беланчагини тебратиб қолаверди. Тўғри, у уйига ҳар ойда катта-катта пул жўнатиб турди. Аммо бахтли бўлишнинг калити фақат пулда эмас экан-да.

Она хорижда юрар экан, буёқда тўнги қиз онасининг меҳри кучогини, ширин сўзларини соғина-соғина қўзда ёш билан узатиб кетди. Иккинчи қизнинг қориш-туршидан биров бохабар эмас. Ҳаётда юрибсан, дўстларинг ким, деб сўровчи йўқ эди. Бадном бўлган кун онасининг расмини бурда-бурда қилиб, ундан аламини олди. Юқори синфда ўқийдиган ўғлининг дўстлари кўча болалари бўлди. Она юбораётган пуллар ўғлини ёмон йўлга бошласа бошладики, "қайт" демади. Ҳали мактабга ҳам бормаган кичик ўғил эса ҳар кеч онасининг рўмолини хидлай-хидлай уйқуга кетади ва тушида фақат онасини кўради. Меҳрга тўймаган қалби ўксинади. Эрак барибир кўча одами экан-да, қўшнилари уни машинасида ҳар хил аёллар билан учрата бошлади.

Орадан йиллар ўтиб, аёл оғир хасталаниб уйига қайтди. Пароканда бўлган оиласини энди тиклаш учун Худодан бойлик эмас, фақат сабр ва шижоат талади. Катта хато қилиб қўйганлигини, вақтни ҳеч қачон орта қайтара олмастлигини ҳис этди-ю ич-ичидан пушаймон бўлди.



## Одамови, аммо тadbirkor она

Маҳалламизда яна бир аёл бор... Одамови. Кўпчиликлари ҳар доим ҳам қўшилавермайди. Қўшни аёллар каби эртадан кечгача ўтириб ҳаётдан ҳам нолимайди. Мудом шошиб юргани юрган. Беш нафар фарзанди бор. Ҳаммаси мактаб ўқувчиси. Бу аёл уста эрининг топганига қаноат қилмайди, десак ноўрин. У "Эру хотин – қўш ҳўкиз" деган нақлга кўпроқ амал қилса керак. Бу аёл эрта тонгдан рўзгорини саранжомлаб, ёнларига идорани ҳали тонг оқармасдан супуриб-сидириб келади. Келасолиб нонушта тайёрлаб, оила аҳлини ишга, ўқишга кузатади. Сўнгра ўзи ҳам ишга отланади. У болалар боғчасида тарбиячи. Ишдан қайтиб, болаларига кечки таом билан бирга пишириқлар ҳам тайёрлаб, ён-атрофидаги дўконларга тарқатади. Қўли ширинлигидан мижозлари ҳам талайгина. Туни билан эса тикиш машинаси ёнидан жилмай, маҳалла хотин-қизларининг буюртма қўйлақларини тикиб чиқади. Ҳовлисини кўрсангиз жаннатнинг ўзи. Турли хил анвойи гуллар баҳри-диллингизни яшнатади. Қишда ҳам ёздагидай уй ичлари тўла гул. Болалари бир-бирдан одоли-ю ахлоқчилигини кўриб ажабланиман. Шунча ишдан ортиб, уларга панд-насихат қилишга қачон улгурар экан-а?

Ич-ичидан ҳис этаман: эр оиланинг кўргони бўлса, аёл чироғи. Бу чироқ ёниб турар экан, ҳеч қачон зулматлар у ерга яқинлаша олмайди. Бу аёлнинг кўзларида ҳамаша қувонч порлаб туради. Ҳамиша тилида шукрона-ю юзларида мамнуният.

**"Иш онадан азиз бўлибдимми!"**  
Аёл бу – она... У она бўлганда ҳам олий тоифали она. Олий тоифали шифокорни эшитганмиз. Маълумки,

кўп йиллик иш стажи, кўзга кўринарли меҳнати ва илмини исботлаган тиббиёт ходими бу номга эришади. Олий тоифали она-чи, дея ҳайрон қоляспизми? Ҳа, азизлар, шундай оналар борки, фарзанд парвариши-ю тарбиясида сингган меҳнат ва машаққати, ҳаёт синовларидан ёруғ юз билан ўтиш орқали бу номга сазовор бўлишади. Мукофоти эса – фарзандлари, набиралари камолидир. Ҳамон қахрамонимиз кимлигига қизиқяспизми? Унда ҳаммасини бошидан бошлаймиз...

Бола кечаси билан иситмалади. Онанинг ҳаловати йўқолди, кўзидан уйқу қочди. Тонгда эса ўйлар гирдобиде қолди. «Нима қилсам экан?» деган саволни ўзига тинмай берар, жавоб тополмас эди. Дорисини бериб, боғчага жўнатса, дайди зўраяди, вақтида қараш керак. Дайди олиб қолай деса, мактабда уни нақ ўттизта ўқувчи кутяпти. Худди ўзи каби оналар «Болам билим олсин», дея умид билан жўнатган ўттиз чоғли қора кўз. Улар бебош бўлиб, кўчага югурса, назоратсиз қолса, нима бўлади? Бугун «Алифбо»дан янги ҳарф ўргатиши керак. Бир кун дарс бўлмаса, ёш ўқувчиларини ўрганганлари эсдан чиқиб, кейинги сафар диққатни жамлаши қийин кечади.

Ўқитувчи она икки ўт орасида узоқ хаёл сурди. Сўнг бир қўлида ўқувчилар дафтери солинган сумка, бир қўлида боласини кўтариб, ишга жўнади. Синфхонага кирганида «меҳмон»ни орқа партага ўтиргизиб, ўқувчилардан уйга берилган топшириқларни сўрай бошлади. Орада боласининг ҳароратини ўлчаб, дори ичириб турди. Ўқувчи болаларидан кўнгли тўқ, тоби қочган фарзанди ҳам кўз олдида.

Орадан анча йиллар ўтди. Бугун у уйда ёлғиз қолиб, зерикканидан фотоальбомни варақлай бошлади. Бирдан болаларидан хавотир олиб, юраги

тошди ва ўғлига сим қоқди.  
– Ойи, рўлдаман, тинчликми?  
– Бўлди, бўлди! – дея она гўшакни ўғлидан аввал кўйди.  
Юзига табассум югурди. Ўғли кичкиналигидан машинага ишқибоз бўлгани ёдига тушди. Тушлик пулидан иқтисод қилиб, унга уйинчоқ машина сотиб оларди. Қизиқиши ханузгача йўқолмаганидан ишда ҳайдовчидан фойдаланмай, машинани ўзи бошқаради. Сўнг қизининг телефон рақамини терди. – Мажлисдаман, ойи, нима гап?

– Хўп, майли! – қизидан ҳам секинроқ пичирлади.

Қизи тартибни яхши кўради. Ходимларидан интизом талаб қилаётган раҳбар қандай қилиб мажлис вақти телефонда гаплашиб ўтирсин? Хаёлидан шу фикр ўтиб, қўлини дуога очди. Яратгандан фарзандларининг бахтиқболгани сўраб илтижо қилди.

У болаларини тушунади. Меҳрини саратон қуёшидек аямай сочгани, жонини фидо этгани ҳолда ҳеч нарса талаб қилмайди, жавоб кутмайди. Қўшни аёлга ўхшаб – «Иш онадан азиз бўлибдимми? Аввал менинг хизматимга ярамасанг, боққанимга розимасман!», деб жаврамайди. Чунки у оддий она эмас, олий тоифали она, ҳазрати она!

## ХУЛОСА

Бу турфа тақдирли аёлларнинг ҳаётларини бир-бирига таққослашдан, бирига салбий, бирига ижобий баҳо беришдан мутлақо йироқман. Улар бугунги куннинг аёллари! Қахрамон оналар, депутат, раҳбар аёллар!

Ҳар бирининг юрагиде адоқсиз меҳр, муҳаббат ва шижоат бор. Ҳар бири шу озода ва обод мамлакатнинг тақдирига ўзини масъул деб билгувчидир!

Хурматли эркаклар, тонглардан мўъжиза кутиб, ёмоннинг бахридан ўтиб, боласини кафтида тутиб яшаётган, бир юрак ташвишини опичлаб юрган аёлнинг кўзларига бир боқинг. Шунча фидоийлик билан унинг кўзларида таъмининг соясини кўрмайсиз. Бу кўзларда ўзингизнинг нақадар ожиз эканлигингизни кўрарсиз, балки. Унга дунё керак эмас, унга бир оғиз ширин сўз бўлса кифоя. Қўлига майли бир даста эмас, бир донга гул тутсангиз, аёл эмас, дунёнинг қулганини кўрасиз. Ахир, шу аёл эмасми номингизни ёмон сўздан, оила аталмиш боғингизни қишу қуздан, муқаддас остонангизни нопок издан сақловчи.

Мухтарам опа-сингиллар, мунис онахонлар! Оилангиз, фарзандларингиз ва жамиятимиз бахтига доимо соғ-саломат бўлинг. Бахт ва омад, оилавий хотиржамлик ҳамда аъло кайфият ҳамаша ёр бўлсин! Меҳрга тўла кўзларингиз фақат севинч ёшларидан намлансин. Фарзандларининг камолини кўриш ҳар бир онага nasib этсин!

Камола АҲМЕДОВА

## TOSHKENT SHAHRI BO'YICHA TUZILGAN NIKOH VA AJRIMLAR SONI

2019 йилнинг январь-декабрь ойларида ФХДЭ органлари томонидан 21,1 миңга та никоҳ қайд этилди. Мос равишда 1000 аҳолига нисбатан никоҳ тузиш коэффициенти 8,3 промиллени ташкил этди.

### Тузилган никоҳлар сони

2018 йилнинг мос даврига нисбатан юқори ўсиш суръати Яккасарой (111,5%), Чилонзор (110,5%), Учтепа (108,9%) туманларига тўғри келмоқда.

Никоҳдан ажрალიшлар. 2019 йилнинг январь-декабрь ойларида ФХДЭ органлари томонидан 4,5 миңга никоҳдан ажрალიшлар қайд этилди, мос равишда 1000 аҳолига нисбатан никоҳдан ажрალიш коэффициенти 1,8 промиллени ташкил этди. Ажримлар сони 2018 йилнинг мос даврига нисбатан юқори ўсиш суръати Яккасарой (127,1%), Мирзо Улугбек (116,1%), Бектемир (112,1%) туманларига тўғри келмоқда.

Тошкент шаҳар статистика бошқармаси  
Ахборот хизмати

### Тошкент шаҳри бўйича тузилган никоҳ ва ажримлар сони, бирлик (2019 йилнинг январь-декабрь ойлари ҳолатига кўра)

	Тузилган никоҳлар			Никоҳдан ажрალიшлар		
	2018 й.	2019 й.	Ўсиш суръати, %	2018 й.	2019 й.	Ўсиш суръати, %
<b>Тошкент шаҳар</b>	20 302	21 070	103,8	4 292	4 529	105,5
Туманлар:						
Учтепа	2 406	2 619	108,9	453	474	104,6
Бектемир	401	373	93,0	91	102	112,1
Ўнубод	2 684	2 868	106,9	562	578	102,8
Мирзо Улугбек	1 763	1 841	104,4	471	547	116,1
Миробод	1 014	1 002	98,8	279	279	100,0
Шайхонтоҳур	2 753	2 704	98,2	396	423	106,8
Олмасор	2 777	2 872	103,4	490	502	102,4
Сирғали	1 912	1 829	95,7	468	457	97,6
Яккасарой	786	876	111,5	170	216	127,1
Яшнобод	1 874	1 952	104,2	464	454	97,8
Чилонзор	1 932	2 134	110,5	448	497	110,9



# «03» bilan «01» hamkorligini kuchaytirish zarur

«Kup.uz» ijtimoiy saytida «Шифокорларга тажовузни Президент ҳам қоралади. Энди вазият ўзгарадими?» сарлавхали мақола билан танишар эканмиз, жамиятимизда тарбиясиз, ҳовлиқма, ҳеч қачон ўз қилмишини адолатсиз деб ҳисобламайдиган, давлат хизматчиси ҳуқуқини назар-писанд қилмайдиган, гўё ўзини «давлатнинг буюртмаси билан дунёга келганман», деб ҳисоблайдиган шахслар кўплаб топилишидан қаттиқ ранжимқодамиз.



ОАВда, ижтимоий тармоқларда шифокорларга қилинган тажовузлар ҳақидаги хабарлар, видеоларлар мунтазам тарқалиб туради. Бу каби нохуш ҳолатлар давлатимиз раҳбарини ҳам ташвишга солаётгани бежиз эмас. 2020 йил 24 январь кунин Президент Шавкат Мирзиёев парламентга мурожаатномасида ижтимоий тармоқларда тарқалаётган, шифокорларга нисбатан бўлаётган зўравонлик ҳолатларига муносабатини билдириб: «Ижтимоий тармоқларда уларга нисбатан бўлаётган зўравонликларни кўриб қоламиз. Бу бизнинг менталитетимизга умуман тўғри келмайдиган ҳолат, буни ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Шунинг учун шифокорларнинг мақоми, обрўсини оширишимиз шарт. Худди ўқитувчиларга қилганимиз каби шифокорларга ҳам муносиб меҳнат шароити яратиш учун амалий ишлар қилишимиз лозим», – деб таъкидлади.

Мақола муаллифи А. Зоҳидов таъкидлаганидек, аҳоли шифокорлар хизматидан норози бўлиши, ўзининг муайян пайтдаги илжосиз ҳолати, кайфияти ёмонлиги билан вазиятни ҳаспўшлаши мумкин. Аммо ўзи наҳот истаб келган мутахассисга дўқ уришга, қўл кўтаришга, бутун диққат-эътибори беморда бўлган шифокорга нисбатан адолатсиз ҳужум уюштиришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Жамоатчилик билан ишлаш бўлими маълумотида кўра, республикамизда 2017 йилдан 2020 йилга қадар 400 га яқин ҳолатда беморлар ва уларнинг яқин қариндошлари томонидан тиббиёт ходимларига тажовуз қилинган. Бу зўравонликларнинг аксарият қисми – юртимиздаги шошилинч ва тез тиббий ёрдам тизими ходимларига тўғри келади. 2017 йилдан

шу кунгача бу йўналишдаги шифокорларга 314 марта зўравонлик қилиш, уларга тан жароҳати етказиш, ҳатто уларнинг соғлигини қайта тиклаб бўлмас даражага келтириш каби ноқонуний ҳаракатлар содир этилган.

Мақолада бу ҳолатларга қарши кўрилган тadbирлар, айбдорларга берилган маъмурий жазо чоралари, яраштирув услублари

эслатиб ўтилган ҳамда аксарият ҳолатларда шифокорларга ҳужум қилган шахсларга нисбатан қонуний жазо кўриш масаласи умуман ҳал этилмаганлиги таъкидлаб ўтилган.

Муаллиф «Зўравонлар пўписа қилиш билан, туртиш, уриш билан чекланмайдилар. Шифокорлар ёқиб юборилди, кўзларидан айрилдилар, пичоқландилар. Энди бир ўйлаб кўрайлик, шундай муносабат кўрган мутахассиснинг касбига нисбатан муносабати ўз ҳолича қолиши мумкинми, фарзандига шу тақдирни раво кўра оладими?» деган саволлар билан ўз мақоласини якунлайди.

Мақола ўта долзарб мавзуда ёзилганлигини тан олган ҳолда, унинг ечими борасида етарли мулоҳаза ва тақлифлар берилмаганлигини таъкидлар эдик. Бу мавзуда илгари эълон қилинган ахборотларни ўқиган пайтда тиббиёт ходимлари ҳуқуқлари, уларнинг ижтимоий ҳимояси хорижий мамлакатларда қандай ҳал этилгани билан қизиққан эдик. Канадада аҳоли тез тиббий ёрдам хизматига мурожаат қилган пайтда, улар билан бирга полиция ва ўт ўчириш хизмати вакиллари етиб келиши таомилга киритилган. Япония-

да ҳам худди шундай амалиёт жорий этилган. Демак, хизмат даврида шифокорларга тажовуз қилиш ҳолати ривожланган жамиятларда биздан анча илгари кўп кузатилган. Бундай ҳолатлардан «огзи куйган» ҳуқуқматлар кейинроқ «қатикчи ҳам пуфлаб ичадиган» бўлиб қолган ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш ходимлари кучидан мавжуд муаммони ҳал этиш йўлини ўйлаб топишган.

Шунинг учун Ўзбекистонда ҳам тез тиббий хизмат билан ички ишлар бўлими ҳамкорлигини йўлга қўйиш, чақирув пайтида бирваракай «03» билан «01» биргаликда етиб боришини амалиётга киритиш зарур. Бунда бир ишга икки машинанинг овора бўлиши ортқича харажатни келтириб чиқаради-ку деган ўзбекона андиша пайдо бўладиган бўлса, унда ички ишлар вакилини тез тиббий ёрдамга штат бирлиги ҳисобидан ишга олишни жорий этиш ҳам мумкин. Ёки поликлиникаларда маҳаллий ички ишлар ходимларининг мунтазам навбатчилигини жорий этиш (қўннинг биринчи ярмида бир киши, иккинчи ярмида бошқа бир киши) мумкин. Тез тиббий ёрдам «03» машинасида бир тиббиёт ходими билан бир формали ички ишлар вакили чақирув манзилга етиб бориши керак. Шундагина милиционердан ҳайиққан беморнинг «Меҳрибон»лари врачларга ўйлаб муомала қилишга мажбур бўлишади, тартибга риоя қилишади. Менимча, фуқаролик жамиятига эндигина кириб бораётган жамиятимиздаги ҳовлиқма тоифаларни бундан ўзга тadbир билан жиловлash мумкин эмас.

**Дилшода НАЗАРОВА,**  
Яшнобод туманидаги 226-ўрта мактаб она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси.

## АДАБИЁТ РУҲИЯТ ТАБИБИДИР

Адабиёт киши руҳиятини тарбиялайдиган, келгуси воқеаларга олдиндан тайёрлайдиган, гоҳида хандон кулдириб, гоҳида йиғлатадиган, турли асарлардаги танимаган инсонларнингизга сизни дўст қилиб кўядиган беқиёс куч. Ҳар бир қалам тебратадиган ижодкор ана шу кучнинг таъсирини, моҳиятини англаб етган ҳолда ижод қилса, муталаага ошуфта қалбларнинг сони ҳам ўз-ўзидан кўпаяди.

Бугунги дорилмон, кунларда ўзбек адабиётининг кундан-кунга ривожланиб бораётгани, ёзувчи ва шоирларимизнинг асарларини нафақат биз, балки бутун дунё, хорижий мамлакатлардаги ўқувчилар ҳам қизиқиш билан ўрганаётгани, устозлар изидан бораётган ёш ижодкорларнинг сони тобора ортаётгани қувонарли ҳол, албатта.

Ҳозир мамлакатимизнинг ҳар бир гўшасида яхши адабий муҳит яратилган. Улар орасида ўз ўрнига эга Сирдарё адабиёти, чўлни чаманга айлантган воҳадаги ижод муҳити ҳақида сўз кетганда беихтиёр кўз ўнгимизда Ватан деб ёниб ижод қилган халқ шоирлари Тўра Сулаймон, Ҳалима Худойбердиева, айни қадма улардай шижоат ва матонат билан қалам тебратадиган Ҳаётхон Ортиқбоева, Но-



ринисо Қосимова, Баҳор Холбекова, Анвар Тоғаев каби устозлар намоен бўлади. Гулистон шаҳрида қад ростилаган Ҳалима Худойбердиева номидаги ижод мактаби яқинда жуда катта тантанана мезбонлик қилди. Тантананинг боиси эса, сирдарёлик ижодкорларнинг китоблари «Ижод» фонди томонидан нашр қилинганидир. Ҳам шеърят, ҳам наср, ҳам публицистика учун алоҳида қилиб тайёрланган, «Адиб ва жамият» рўқни остида нашр қилинган «Сайхун саболари», «Сирдарё мавжлари», «Сир-

дарёдаги улғувор ўзгаришлар» китобларининг тақдироти бўлиб ўтган тантанана воҳадаги ижод ахли учун чинакамига байрамга айланди.

Ижод намуналаримни устозлар нигоҳидан ўтказиш, керакли кўникма ва маслаҳатлар олиш учун вилоят ёзувчилар уюшмасига тез-тез бориб тураман. У ерда Ҳаётхон опанинг мен каби ёш ижодкорларга бераётган ўғитлари катта сабоқдир. «Сайхун саболари» китобидан ўрин олган «Онажон» деб номланган шеърини ўқиб, онамга бўлган меҳрим

янада ортиб кетди.

**«Онажон,**  
Сизнинг ҳовлингизда  
жилмаяр гуллар,  
Хуш атир таратар райҳонларингиз.  
Ҳар тонг ширмой ноннинг  
ҳидига тўлар,  
Қалдирғоч ин қурган айвонларингиз.  
Тўпламдан яна бир устозим,  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Норинисо Қосимованинг ҳам ажойиб шеърлари жой олган. Шоиранинг «Ўғлимга» шеърини ўқиб, қаттиқ таъсирландим.

«Ўғлим, сендан ёлғуз ўтинчим,  
Ўзинг кузат сўнги ўйлимга.  
Бир ҳаёлдан бузилар кўнглим,  
Қалтироқлар кирар қўлимга.  
Агар бўлса меҳрим хўрмати,  
Олай десанг кўнглиларини.  
Жоним болам, мен йўғимда ҳам,  
Хафа қилма синглиларингни».

Сирдарёлик ижодкорларнинг ана шундай пурмаъно, мулоҳазали, фалсафий ижод намуналари ўрин олган уч китоб ҳамда Тўра Сулаймоннинг «Сайланма»си адабиётимизга катта тўхфа бўлди. Уйлайманки, бундай соғаларини кети узилмай, янгидан янги ижод намуналари қалбларни мунаввар этишда давом этаверади. Ниятим, «Сайхун саболари» остида «Сирдарё мавжлари» кўзларни кувнатиб, «Сирдарёдаги улғувор ўзгаришлар» бардавом бўлсин.

**Ёрқинжон ҲАЙИТБОЕВ,**  
Сирдарё вилояти.



# LOYQALANGAN SUV QACHON TINADI?

tinishini kutgandan, loyqalatmaslik afzalmasmi...

Ҳаётда эр-хотин ўртасидаги ўзаро келишмовчилик, хиёнат, қўшхотинлик, бекфарзандлик, қайнона-келин ва оиладаги яқин қариндошлар ўртасидаги муросасизлик, моддий таъминот билан боғлиқ турли муаммолар қулгоғимизга тез-тез тушиб туради. Муаммолар “қахрамон” ларию вазиятга қараб турлича. Орамизда баъзан муҳокамага киришиб қайсидир адолатсизлик оқибатида кимнингдир жабр кўраётганидан жигибийрон бўладиганлар ҳам, ўзига тегишли бўлмаган мавзуларга бош суқмай жим турадиганлар ҳам бор. Буни ҳаётдан кўра, ижтимоий тармоқларда кўп кузатиш мумкин. Бу борада биз кимнидир фикрини оқлаш ёки қоралашдан йироқмиз. Лекин шундай оилавий можароларда инсон умрининг кўпинча совурилиб кетаётганини ўйлаб кўриш керакмасмикин?

## ДОКА РЎМОЛЛАР НЕГА ҚУРИМАЯПТИ?

Халқ орасида: “Эр-хотиннинг уриши – дока рўмоннинг қуриши”, деган мақол бор. Ушбу мақол ҳаётлиги билан оила, эр-хотин муносабатлари ҳақидаги бошқа ибратомуз маталлардан кўра анча оммалашган. Аммо оилавий муаммоларнинг “камрови” кенгайиб, “дока рўмоннинг қуриши” оила остонасидан ҳатлаб маҳаллага, маҳалладан ФХД, ундан то суд залига боришигача бўлган вазиятдаги асаббузарликлар ортидан руҳий эзилиш, икки ўртада фарзандларнинг сарсонлиги, уларнинг болалик олами, ўйлари ва қалбига ўқиниш соя солишию таранглашган қариндошлик ришталарини ўйласак, биз ўртага ташлаган саволнинг жавоблари дилни хуфтон қилади.

Журналист Нурилло Нўъмоновнинг [Xabab.uz](http://Xabab.uz) сайтыда эълон қилинган «Сув ҳам бир лойқаланиб тинади...» номли Олий суд раиси ўринбосари Холмўмин Ёдгоров бошчилигидаги бир гуруҳ судьяларнинг Андижон вилоятидаги сайёр қабули ҳақида ёзган мақоласидаги ушбу мисралар эътиборимни тортди.

...Зал тўла одам. Ёш келин-куёвлар, қуда-андалар, маҳалла фаоллари, жамоатчилик вакиллари. “Бўлди, яшаман, оилам билан ажрашаман!” деган жуфтликларнинг гап-сўзларига қулқ тулгангиз, аксариятида айтарли жиддий асос йўқ: арзимас, майда-чуйда гап-сўзлар, қудалар ўртасидаги муносабатлардан келиб чиққан майда муаммолар... Бироқ вазият шу даражада таранги, мўлтираб турган полвончалар, қақажон қизалоқларнинг тирик етим бўлиб қолишлари ҳеч гап эмас!

## САЙЁР ҚАБУЛНИНГ НАТИЖАСИ ҚАНДАЙ БЎЛДИ?

Тадбирнинг боришини батафсил ёритар экан ҳаммасимиз ўз сўзини биз юқорида таъкидланган вазиятларга оид қувонарли таъриф билан яқунлаб, “... Шу жойнинг ўзидаёқ 22 та оила яраштирилди, бу 32 нафар воёга етмаган бола ота-онаси қарамоғида воёга етади дегани, насиб... Сайёр қабулдан энг катта натижа шу бўлди, аслида”, – дейди. Бу сатрлардан қалбида оила тушунчаси мустаҳкам илдиз отган ҳар бир инсон кўнглига бир ёруғлик иниб, тилда шукроналик айланади. Аммо [oilavajamiat@mail.ru](mailto:oilavajamiat@mail.ru)



айни дамда мана шундай вазиятнинг аксида турганларнинг борлиги эса кишини ўйлантирадиган жиҳат. Қолаверса, оилавий можаролар қуршовида қолиш оқибатидаги йўқотишлар?.. Йўқотишлар дейилганига ажабланманг. Чунки хоҳ эркак киши ёки аёл бўлсин, оилавий турмушида ҳаловат, хотиржамлиги бўлган инсоннинг жамиятга тўлақонли фойдаси тегади ва атрофдагиларга муносабати яхши бўлади. Шу ўринда, муаммоси йўқ одамнинг ўзи йўқ, дейишигиз мумкин. Тўғри, бироқ ҳар қандай масаланинг ечимини топиш ёки уни катталаштириш ўзимизга боғлиқ эканлигини ёдда тутганимиз дуруст.

## ОИЛАВИЙ МОЖАРОЛАР САБАБ ВАҚТИМНИ БОЙ БЕРДИМ

Яқинда бир танишим бошидан ўтказганларини айтиб қолди: “Биласизми, мен бугунги хотиржамликни, ҳаётимдаги ҳаловатни шунчалар қадрлайманки, буни таърифлаш мушкул. Сабаби, биринчи турмуш ўртоғим билан оилавий келишмовчиликлар сабаб “Бўлди, ажрашаман!” деган муҳим қарорга келганимда йигирма беш ёшда эдим. Йигирма ёшимда

“  
Ёшларнинг кўпинча ўз-ўзини нотўғри баҳолаши, атрофдагилар билан ўзаро муносабатда сабаб билан баҳонани адаштириб қўйиши турли оилавий муаммоларнинг катталашшига олиб келади. Хўш, ўз-ўзини нотўғри баҳолаш нимадан келиб чиқади? Бу инсоннинг кимлигини унутиб, ўзлигидан кўра ёт бўлган тушунча ва қарашларга чалғишидан бошланади.

га эрта оқ, юзларимга ажин ораламасми, деган ўйлар ҳаёлимга келади. Буни ношукриқка йўйманг. Лекин...

Сухбатдошимнинг юз истиҳола билан айтётган сўзларини тинглар эканман, унинг бахтиёр кўзлари, ҳаётни севадиган нигоҳи, изланиш ва янгилликка ўч инсоний табиатини-ю ёруғликка чиққунча босиб ўтган ҳаёт йўллари хотирлаб, қалбидан ўқтин-ўқтин ўтказадиган оғриқларни ҳис этган-

дек бўлдим.

Ёшларнинг кўпинча ўз-ўзини нотўғри баҳолаши, атрофдагилар билан ўзаро муносабатда сабаб билан баҳонани адаштириб қўйиши турли оилавий муаммоларнинг катталашшига олиб келади. Хўш, ўз-ўзини нотўғри баҳолаш нимадан келиб чиқади? Бу инсоннинг кимлигини унутиб, ўзлигидан кўра ёт бўлган тушунча ва қарашларга чалғишидан бошланади. Бунда энг биринчи галда илмий ва минг йиллик миллий қадриятларимизнинг аҳамиятини таъкидлаш керак. Илмий нуқтаи назар бироз мураккаблик бўлиши мумкин. Аммо бизнинг неча минг йиллик қадриятларимиз қатида муқаддас ришталарни авайлаш, айнан оилавий бирдамликни асраш борасида етарлича асослар мавжуд. Бу ота-болаларимиз, қайвони онахонларимизнинг ҳар бир сўзи қулгоғимизга тушса, уларнинг амаллари шундоққина кўз ўнгимизда. Тўғри, ёшларга хос бўлган шошма-шошарлик ва ўта тез фикрлаб бир ёқлама қарор қабул қилиш ва ўта замонавийликни чегараламаган ҳолда уларнинг онгида мушоаада, моҳият ва мурося каби тушунчаларни ҳам улғайтиришимиз керак.

## КЕКСАЛАР ТАРБИЯ УСУЛИ ЭСКИРДИМИ?

Бугун “Қари билганини пари билмас”, деган мақол кимларнингдир ғашига тегиб, эскиликдек кўриниши мумкин. Аммо биз бонг ураётган муаммоларнинг ечимида ҳаётий тажрибаси бой инсонларнинг йўл-йўриқ, маслаҳат ва тавсиялари юқори эҳтимол билан келишишга, мурося қилишга асқотиб, йўқотишлар камайишига замин яратади. Шу ўринда бир ёш келинчакнинг: “Қайнонам ҳақида гапирсам, нуқул бувим икки уйнинг орасида гап ташима, сабр қил, бироз муомала қилишни, уйингдагилар кўнглини топишга ҳаракат қил, деяверади. Икки йилдирки юмшаманган кўнглимни, пегча қўйиб эритиб юмшатаманми? Мен ҳам одамга ўхшаб яшагим келади, тўйиб кетдим...”, – дея тили тилига тегмай шикоят қилаётгани эсимга тушиб қолди. Гап-сўзидан, шоққалоқлик, жиззакчилик, қолаверса, “ўта замонавийлик” сезилиб турган бу келинчак оиладаги арзимаган камчиликни пировардида суд залигача “етакламаслигига” ҳеч ким қафил бўла олмайди. Энг ёмони, фақат ўзи “тўғри” деб билган “қарашлари” қобғида суяги қотганларни боши деворга так этиб тегмагунча ўзгартириш мушкуллигида. Аслида, шунинг ўзи умр маълум муддатининг совурилишидир. Энг ёмони, бундайларнинг яшадан мақсади, атрофидаги ҳаётда ўзи танлаган йўли бор инсонларни чалғитишида.

## ЖАВОБИ МУШКУЛ САВОЛЛАР КЎП

Тўғри, ҳаётда чиндан ҳам ўйлаб кўрадиган муаммолар, жавоби жуда мушкул саволлар бор. Аммо излаган имкон, изламаган баҳона толади. Бу борада яна бир ечим, аввало, оиладаги тўғри тарбиянинг маҳсулида кўринади. Қолаверса, инсон учун ҳаётнинг ўзи катта муаллим. Шундай экан, фарзандларимизни ҳаётда дуч келиши мумкин бўлган камчиликларни катталаштиришдан кўра, уларни енгилликка қодир маърифатли, маънавиятли инсонлар этиб тарбиялаш керак. Токи, умр йўлида ҳар сониянинг қадрига етиб, эзуу мақсад ва мўддаолар билан яшашсин.





## YO'LING RAVON BO'LSA, DILING RAVSHAN BO'LADI

– Отахон, бемалол ўрнашиб олаверинг! Водийнинг йўллари текис ва равон, мазза қилиб ухлаб кетасиз. Машина силкинмай юради, – дея кекса йўловчини тинчлангирди ҳайдовчи.

– Ундай бўлса, жуда яхши, болам. "Йўл азоби – гўр азоби" деган мақол бор. Авваллари ўйдим-чуқур йўллардан манзилга етиб боргунча, нақ ичимиз тўкиларди. Аллоҳга шукр, ҳозирда ҳукуматимиз ички йўлларга таъмирлаб, катта-катта магистрал йўллари очиб бермоқда. Энди тижорат ва зиёрат мақсадида ҳамюртларимизнинг озор емасдан қўшни давлатларга бориб келиши ҳам осон бўлиб қолди.

Ҳа, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, миллий иқтисодиётнинг жадал ривожланиши туфайли автомобиль йўлларига бўлган эҳтиёж ортиб бормоқда. Шу боис, равон йўллари кўриб, сафарга чиқинг, шаҳарларимизни зиёрат қилгинг келади. Барпо этилаётган кенг ва равон йўллар юртимизда йўлсозликнинг ривожланаётгани, йўл қурилиши борасида замонавий талаблар асосида иш тўтилаётганидан далолат.

Жумладан, Наманган вилояти "Автомобил йўллари ҳудудий бош бошқармаси" томонидан ҳам ана шундай эзгу ишлар амалга оширилмоқда.

– Муҳандислик ғояси,

лойиҳалар ечими билан амалга ошириладиган, миллионлаб кубметр тупроқни кўчириш, минглаб тонна қум, шағал, асфальт, бетон ётқириш ишлари билан яқунланадиган, ҳар куни минглаб йўловчилар ва автомашиналарнинг узогини яқин қиладиган йўл қурилиши аслида, жуда катта меҳнат ва машаққатни ҳамда харажатларни талаб қиладди, – дейди Бош бошқарма бошлиғи Акрамжан Ҳамдамов. – Давлатимиз раҳбари томонидан ушбу масалаларнинг оқилона ҳал этилгани бугун мамлакатимизда кечаётган янги даврда ўз самарасини бериб, автомобиль йўллари тармоғини ривожлантириш ҳамда тақомиллаштириш йўлида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда Наманган вилоят автомобиль йўллари ҳудудий бош бошқармаси ва унинг таркибидagi туман йўллардан фойдаланиш унитар корхоналарида 1493 нафар ишчи-муҳандислар фаолият юритади, уларнинг 83 нафари аёллардир.

Наманган вилоятида жами 13259,7 километр автомобиль йўллари мавжуд



бўлиб, шундан умумий фойдаланиш автомобиль йўллари 3377 километри, ички йўллар 9882,7 километри, шаҳар кўчалари 684,7 километри, давлат аҳамиятидаги йўллар 1048 километри, халқаро аҳамиятдаги йўллар 69 километри ва маҳаллий аҳамиятдаги йўллар 2260 километри ташкил этади.

Айтиш жоизки, 2020 йил мобайнида вилоят автомобиль йўлларида бош бошқарма томонидан жами 384,4 миллиард сўмлик қуриш ва қайта қуриш, тўлиқ ва жорий таъмирлаш, қишқи қаров ва йўл минтақасини кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилади. Шунингдек, умумфойдаланишдаги автомобиль йўлларини қуриш ва қайта қуриш бўйича 39295,2 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари, 40,1 километр узунликдаги йўлларнинг фойдаланишга топширилиши ҳамда А-373 "М-39 а/й – Гулистон-Бўка-Ангрен-Қўқон ва Андижон орқали Ўш" автомобиль йўли "Қамчик" ва "Резак" тунелларида модернизация ишлари объектида 10,0 миллиард сўмлик қурилиш монтаж ишлари бажарилиши режалаштирилган. "Обод қишлоқ", "Обод маҳалла" ва "Ички хўжалик йўллари" дастури бўйича ички йўлларда тўлиқ ва жорий

таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Соҳада эришилган ютуқлардан бири, йўлсозларимиз кўп қаторли транспорт ҳаракати учун мўлжалланган йирик кўприклар, замонавий автомагистралларни қуриш тажрибасини мукаммал ўзлаштиришга эришганлари қувонарли ҳол. Бу йўл қурилишида "Katerpillar", "Virtgen", "Libxerr", "Xamm", "Fogele", "ABG", "Daynapak", "Hitachi", "Komatsu", "Kato", "Nissan" сингари хорижий компанияларнинг замонавий йўл қуриш техникаси ҳамда ускуналаридан фойдаланишга имконият очиб берди.

"Қамчик" ва "Резак" тунелларининг қурилиши, доvon бўйлаб йўлларнинг кенгайтирилиши, таъмирланиши натижасида йўлда содир бўладиган кўнгилсизликларга барҳам берилди.

Наманган вилояти миқёсида ишлаб чиқариш жадал ривожланаётгани инobatга олиниб, бугунги кунда йўллар замонавий талаблар асосида қайта барпо этилмоқда. Довонда амалга оширилаётган йўл-қурилиш ишларида цементбетон қоплама ишлатилмоқда. Бу эса асфальтбетон қопламали йўлларга нисбатан 2,5 баробар кам емириладиган ва узокроқ вақт фойдаланиладиган ҳамда бирмунча арзон тушишини таъминлайди.

Айни пайтда, кўп сонли жамоа "Наврўз" байрамини муносиб кутиб олиш учун баҳорий кайфиятда қизгин меҳнат қилмоқда.

Марям АҲМЕДОВА.

## НАМАНГАН ВИЛОЯТИ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИ

ҳудудий бош бошқармаси жамоаси

*Ўзбекистондаги барча хотин-қизларни  
8-март — Халқаро хотин-қизлар куни  
муносабати билан чин  
дилдан муборакбод этади.*

*Мўғтабар зот бўлган азиз  
онажонларимиз, мунис опа-сингиллари-  
мизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат,  
келажагимиз ворислари бўлган фарзанд-  
ларимизни тарбиялаш йўлидаги эзгу  
ишларида куч-қувват ва сўнмас ирода ёр  
бўлишини тилайди.*

Хизматлар лицензияланган

oilavajamiyat@mail.ru



# Айол – е'tirof va e'tiborga loyiq zot

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришларини янада ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан «Наманган момиқ сочиқлари» МЧЖ томонидан "Art Soft Tex Cluster" фермер хўжалиги ташкил қилинган. Кластер учун ажратилган 42 минг гектар экин майдонининг 24 минг гектари пахта экишга мўлжалланган бўлиб, бу компания учун йилига 58 минг тоннадан зиёд пахта хомашёсини етказиб беришга хизмат қилади. Бу ўз навбатида маҳсулот таннархини назорат қилишга ёрдам беради.

«ART SOFT HOLDING» 2015 йил январь ойида асосий ишлаб чиқариш тармоқларини бутунлай қайта жиҳозлаб, Европадаги илғор машинасозлик корхоналарининг энг янги моделидаги ускуналарини ўрнатди. Компания кундан-кунга ривожланиб, фаолият кўламини кенгайтириб бормоқда.

Компанияга қарашли ишлаб чиқариш корхоналари Германия, Швецария, Италия, қолаверса, соҳада дунё етакчилари – Европа давлатларининг замонавий юқори технологик ускуна ва тўқимачилик машиналари билан тўлиқ жиҳозланган.

Айни пайтда, техник жиҳозланиш даражасига кўра «ART SOFT HOLDING» юртимизнинг йурик ва энг яхши тўқимачилик компанияларидан биридир.

Муҳими, ишлаб чиқариш компанияси инсонларнинг кундалик ҳаётига замон билан ҳамнафаслик, фаровонлик ва юқори сифатли маҳсулот етказиб бермоқда.

Тўқиш бўлими "Dornier", "Sulzer Textile", "Staubli", "Simet", "Sucker Muller", "Luwa Tac", "Uster", "Ergotec" дастгоҳлари билан, буюк безак бериш бўлими "Binoni" ва "Thies", "RF systems", "Stalam", "Santex", "Saspe", "Bruckner", "Akrobat", "Bianco" ускуналари билан, тикиш бўлими "Texra", "Shmale Durate", "Vec" ва "Tecnoteam" фирмалари ускуналари билан жиҳозланган. Бу эса бозорда мавжуд бўлган барча технологик ечимлар билан маҳсулот ишлаб чиқариш имконини беради.

Наманган шаҳар «ART SOFT HOLDING» компанияси жамоаси юртимиздаги барча хотин-қизларни 8-Март – Халқаро хотин-қизлар байрами билан муборакбод этади. Келажакимиз бунёдкори, оила чироғи, фарзандларимиз тарбиячиси бўлмиш оналаримиз ҳамisha бахтимизга соғу саломат бўлсин.

**Баҳорий гўзаллик деч қачон  
сизни тарк этмасин!**



Яқинда ижтимоий тармоқларда ўзбекистонлик Азиза Шоназарова АҚШдаги Колумбия университетининг "TENURE TRACK" позицияси, яъни профессорлик лавозимига қабул қилинган ilk ўзбек олимаси бўлганлиги ҳақидаги хушxabар барчани бефарқ қолдирмади. Ўзбек интернет сигментиди бу мавзу шов-шув бўлиб, репостлар ту-файли ҳатто трендга айланди. Азиза билан яқиндан танишиш мақсадида у билан боғландик.

— Юртдошларимиздан шунча илиқ сўзлар эшитаман деб ўйламаган эдим, — дея ҳаяжонини яширмади қахрамонимиз. — Бу нафақат менинг, балки барча юртдошларимизнинг ютуғидир. Узим ҳақимда сўзлайдиган бўлсам зиёлилар оиласида, китоблар оламида катта бўлганман. Оиламизнинг кўпчилигида фан номзоди ва фан доктори унвонлари бор. Ёдимда, ўсмирлик чоғимда мен 25 ёшимгача фан номзоди бўлман, деб ният қилиб юрардим. Чунки, тоғам математика йўналиши бўйича 24 ёшларида фан номзоди бўлиши арафасида тўсатдан оламдан ўтган эдилар. Мен уларни ниятини олдимга мақсад қилиб олгандим ўшанда. Бунга сал кечроқ 28 ёшимда эришсам-да, ҳаммадан ёш яъни 32 ёшимда фан доктори ва профессор бўлдим. Бизнинг оиладан нафақат мен, балки укам ҳам катта ютуқларга эришмоқда. Ҳозирда у АҚШдаги Йель университетини битириш арафасида.

Тошкентнинг Қора-қамиш даҳасида катта бўлган қизалоқ 133-мактабда ўқиган кезлариёқ истеъдоди билан барчанинг эътиборини тортади. Мактабни аъло баҳоларга битириб, Тошкент Давлат шарқшунослик институти қошидаги Шарқ тилларига ихтисослашган лицейда ўқишини давом эттирди. Тошкент Давлат шарқшунослик институтида бакалавр ва магистратура йўналишлари бўйича тахсил олиб, шу дароғида илмий ходим сифатида иш фаолиятини бошлади. Кейин Польшадаги Варшава университетиди магистратурани давом эттирган қахрамонимиз ўша дийрда бўлажак турмуш ўртоғи Ғуломжон Азимов билан танишди.

— Поляк профессорим бир неча йил олдин турмуш ўртоғимга ҳам дарс берган экан, — дея давом этади суҳбатдошим. — Домламининг менга берган таърифларидан у кишида мен билан учрашиш истаги пайдо бўлиб, Америка Қўшма Штатларидан Польшага учиб келдилар. Ҳали биз кўришиб улгурмасимиздан ўқишимни давом эттириш ниятидалигини билган захотиёқ онасини (яъни қайнонамни) Тошкентга совчиликка юборади. Мендан аниқ маълумот ололмаган йигит, фақатгина билган маълумоти — онамнинг исмлари Сайёра Аҳмедовна, аёллар шифокори эканлигида эди. Қайнонам онамни ахтариб топганлар. Совчилар келишувидан сўнг, бизни Варшава шаҳрида учрашимизга рози бўлишган. Биринчи учрашувимиз шу



## UMMON ORTIDAGI ILK O'ZBEK OLIMASI

бўлган. Иккинчи учрашувимиз бир неча ойдан кейин никоҳ куни эди.

Икки ақл соҳибининг диллари ҳам бир ёқадан чиқади. 2009 йил август ойда турмуш қурган ёшлар Калифорнияга жўнаб кетишади. Ўшанда Ғуломжон Тошкент Давлат юридик институтини битириб, АҚШда Санта Клара университети юридик йўналиши бўйича ўқишни давом эттираётган эди. Кейин оилада қизалоқ — Лаиза дунёга келади. Узоқ океан ортида чақалогини олиб Индиана-Блумингтон университетининг магистратурасига ўқишга кирди. 2011-2013 йилларда Азиза тинимсиз ўқиди, бир қўлида қизалоғи, бир қўлида эса уй ишлари, ўқишини эплади.

— АҚШда Индиана университети аввал магистратура ва кейин икки йўналиш (Марказий Осиёшунослик ва диншунослик) бўйича Dual PhD ни имтиёзли тамомладим, — дейди у. — Докторлик диссертациямни 2019 йилда химоя қилдим. Мавзуми Марказий Осиёда аёлларнинг жамиятда тутган ўрни ва гендер тарихига бағишланган. Илмий раҳбарим таникли олим Devin DeWeese эди. Ҳозирда докторлик диссертациямни китоб қилиб нашрга чиқариш билан бандман. Дунёнинг нуфузли наشري-

ётларидан таклифлар олганман. Жумладан, диссертациямнинг бир қисмини шу йилда "Brill" нашриёти чоп этиши режалаштирилган.

Индиана университетини битирганда, Азизани бутун университет учун "commencement speaker" деб танлашди. Минбарда туриб Азизанинг ўқиган нутқидан таъсирли бир жумла: "Мен докторантурани зўрга инглиз тилида ва 10 ойлик чақалоқ билан бошладим. Бугун эса докторантурани 8 ёшлик қизим, энг юқори GPA (баҳо кўрсаткичи), Оксфорд ҳамда Питтсбург университетларидан postdoc учун таклиф билан битиряпман!

Матонат ва меҳнат билан барча нарсанга эришиш мумкинлигига мен бир мисолман!" Дастлаб Индиана Университетиди талабаларга дарс бериши бошлаган олимпиа кейин Станфорд университетиди ишини давом эттирди. Ҳозирги кунда Питтсбург университетиди дарс бермоқда.

Дарслари Марказий Осиё тарихига боғлиқ, жум-

институтида дастлаб фалсафа кафедраси мудир, Диллора Пулатова менинг ilk раҳбарим бўлганлар. Институтда 4-босқич талабаси бўлган кезимда, у ерда кичик илмий ходим сифатида мени ўша маҳал директор ўринбосари Нурғоди Тошев ишга таклиф қилганлар. У кишига шогирд бўлганман. Улар менга Шарқ кўлэмалари дунёсини очганлар. Вақт ўтиб Марказий Осиёда сўфийлик тарихи бўйича машҳур олим Devin DeWeese ни шогирдига айландим. Булардан ташқари мени доимо тўғри йўлга бошлаб ўзларини маслаҳатларини мендан аймаган домлаларим ҳам кўп. Буларнинг орасида Фанлар Академияси вице-президенти билан Шарқшунослик Институти раҳбари Баҳром Абдуҳалимов домлани айтиб ўтишим керак. Талабалик давримда улар менга дарс берганлар ва мени доимо кўллаб-қувватлаб келганлар.

— Бу даражага эришиш осон бўлган эмас, — дейди қахрамонимиз талабалик йилларини хотирлаб. — Уйдагилар стипендия олганимни бир тўп китоб билан келганимдан билишарди. Инглиз тилини ҳам уйда мустақил ҳеч қандай қўшимча дарсларга бормасдан китоблардан ўрганганман. Араб ва форс тилларини дастлаб Шарқшунослик лицейда ва кейин институтда ўқидим. Бундан ташқари бугун турк, француз, немис ва поляк тилларида бемалол мулоқот қила оламан. Тажрибамдан шунни айта оламанки, билим олиш учун катта сармоа эмас, яши шароит керак. Болаларни ёшлиқдан китобга меҳр қўйишга ўргатиш шарт. Ёшларга илм олиш учун мотивация бериш эса катталарнинг зиммасида.

АҚШда 10 йилдан зиёд муқим яшаб келаётган суҳбатдошимиз ватанимиздаги ўзгаришлардан кўнгли осмон қадар юксалаётганини қувонч билан сўзлади.

— Мусофир бўлмагунча мусулмон бўлмайсан деган мақолнинг нақадар тўғри эканлигига амин бўлман, — дейди у. — Узоқ вақт давомидида юртимиздан ташқарида яшасак ҳам кунимиз юртимиз билан боғлиқ ўтади. У ерда бўлаётган кундалик ўзгаришларни ҳар соатда кузатиб, бохабар бўламан. Баъзан ватанимизда бўлаётган янгиликларни уйимиздагилар ҳатто биз орқали билишади. Уйда ҳам ўзбекона яшаймиз. Ўзимизнинг хонтахта-ю кўрпачадан тортиб, пахта гуллик чойнак ва пиёлалардан фойдаланамиз. Бизниқига меҳмон бўлиб келган қайнонам "Кўча ва дўконга чиқмасан, ўзимни Америкада эканлигимни ҳис қилмайман, Тошкентда яшайтгандекман," дейдилар.

Қахрамонимиз дунёнинг қайси чеккасида бўлишдан қатъи назар ўзбекилигини унутмаган. Ҳа, юртимизда Азизалар кўпаяверсин, улар қаерда ўқиш ёки ишлашадан қатъи назар, илм йўлини тутган, фанда юксак натижаларга эришган юртдошларимиз кўпаяётганидан кўнглимиз тоғдай кўтарилди.

Чарос ДЎСТАМТОВА,  
"Оила ва жамият" муҳбири.

## АЯЖОН, MEN SIZNI YAXSHI KO'RAMAN!

Мен қирлар ортида туғилдим. Яшар жойим кенг яйлову адирлар бағри. Кишлоғимни чанг кўчаларида ўзим каби меҳрим ҳам каттарди. Бепоеън ўтлоқларни кўп бора завқ билан кузатганман. Кўбшининг қўлига қараб ўтган дамлар. Болалиқнинг беғубор шўхликлари, ўзгача завқ берадиган шиддатли палла. Кўклам келиши билан ер билан тиллашганим, кўчат ўтқазганим, ўртоқларим билан варрак учирганим — бу лаҳзаларнинг қиймати шунчалар банд мен учун. Нима учун биласизми? Чунки, ҳар лаҳзамда онажонимнинг мададию кой-

ишини, меҳрини ҳис қилиб турганман. Уша тупроқ кўчаларда уст-бошимга кўнган губорни қоқиб, пешонамдан ўлган ҳам онам. Ўртоқлар билан ёқа олишиб, муштлашган кезларим гамхўрлик қилган ҳам онам. Дуолари минг балолардан асраган ва асрагувчим ҳам онам. Кичик ютуқларимдан оламча севинган, болаларча қувонган, мени кўкка кўтарган ҳам шу инсон.

Барчанинг онаси ҳам шундай қилади, деясизми? Йўқ, асло, онамнинг меҳри баридан бўла, баридан тафтлроқ менга. Унинг биргина кулгуси мен учун бир жаҳон. Бу табас-



### Izhor

сумни ҳеч нарсанга алишмам. Бугун Тошкентда тахсил оляпман. Баъзида шовқинли шаҳарнинг кенг бағрига сигмай қоламан. Мунисамнинг дийдорини, меҳрга тўлиб айтадиган "Болам" сўзини қайта-қайта эшитишни кўмсайвераман.

Онарни — "аяжон" дейман. Аяжон, дардингизга ўзим дармон бўлай, елкангизга елкадош, суянч бўлай. Биламан, сизга қанча таъриф берсам ҳам ўшагини тополмайман. Аммо дилимдагини айтмасам бўлмас: Аяжон! Мен сизни дунёларча, бутун борлигим билан яхши кўраман.

Жамшид АМИРОВ,  
ЎЗЖОКУ талабаси.



# “MOTIVATSIYA”, “AFFIRMATSIYA” ...

**Б**угун мотивацияга инсонни фаолиятга ундовчи руҳий мададга суяниш ва ҳар хил аффирмацияларга онг остига етиб бориши учун тил орқали тез-тез такрорланиши лозим бўлган ибораларни синаб кўриш одат тусига айланиб қолди. Аслида бу инсониятнинг руҳий эврилишлари натижаси бўлган асримиз умуми ва унинг умумбашарий аҳамияти билан кўпроқ руҳшунос ва социологлар шуғулланса тўғри бўлади. Мен бир ижодкор сифатида инсоният эмас, инсон аслида чиндан кўр-кўрона бажариладиган аффирмацияларга муҳтожми, мотивациянинг энг катта манбаи қаерда, каби масалаларда ўта шахсий мулоҳазаларимни сиз билан ўртоқлашмоқчиман.

## НЕГА УНИ СЕВАДИЛАР?

Гапни узоқдан бошлайман. Сиз анчадан бери китобхонлар томонидан инсонга катта мотивация бериши мумкинлиги эътироф этилаётган “Мартин Иден” асарини ўқиганмисиз? Ким билсин, балки у семимли китобингиздир? Ҳафсалангизни пир қилсам ҳам, адабий тадиқотчи сифатида сизга бир фикрни айтиш: америкалик атоқли адиб Жек Лондоннинг маъмур асари бадиийлик жиҳатидан ҳеч нарсага арзимамайди. Унда нега у меннинг семимли асарим, дейсизми? Дунё китобхонларининг 70 фоизи бу асарни севиб ўқишига сабаб нима ахир, деган хаёлларга бораясизми? Жавобим қуйидагича, бу асар қахрамони дунё миқёсидаги етмиш фоизи китобхонларнинг идеалидир, яъни ер юзидаги миллиардлаб одам ўзининг амалга оширолмаган орзу-истаклари рўёбини, ўзида ўз вақтида етишмаган жасоратлари мисолини

## yoхud har birimiz Martin Idenmiz



Мартин Иден қахрамони тимсолида кўради, хотирлайди ва бундан ёнгли, ё кўр-кўрона равишда таъсирланади. Демокчи бўлганим, ҳар битта инсон аслида табиятан Мартин Иден каби орзу-истакларга бой, ҳар биримиз ҳам табиятимиз жиҳатидан жасоратлигимиз. Фақатгина биз ташқи муҳит таъсирида бу истакларимизни бой беришимиз ва ўша жасоратимиздан айрилишимиз мумкин холос. Истак ва жасорат етишмаслиги эса табиий равишда фаолиятга ундовчи руҳий мададга – мотивацияга муҳтожликни келтириб чиқаради, албатта.

## БЎШЛИК ВА “БЎШЛИК”

Наинки мотивацияга мойил бўлиш муҳтожлик экан, айна пайтда инсон

руҳиятидаги муҳтожликларнинг келиб чиқиши масалаларига ҳам озроқ тўхталиб ўтмоқни жоиз деб билдим.

Авалло ҳар қандай руҳий муҳтожлик бу – маънавий бўшлиқ дегани. Маънавий бўшлиқ эса турфа сабаблар юзасидан инсон умрининг турли даврида пайдо бўлган бўлиши мумкин. Австриялик психолог, психиатр ва невролог Зигмунд Фрейд назариясига кўра ички кечинмаларимиз биз туғилиб, то ўлгунигизга қадар онг ости қатламимизда сақланиб қолишини ҳисобга олсак, бизнинг маънавий бўшлигимиз ҳатто ақл бовар қилмас даражада илгари пайдо бўлган бўлиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Маънавий бўшлиқ қанчалик илгари содир бўлган бўлса, аслида шунчалик ёмон. Чунки иллар ўтиши мобайнида инсоннинг руҳияти шу бўшлиқни ўзига синдириб шаклланади, оқибатда бу унинг табиятига айланиб қолади. Худди шунга мисол бўла оладиган ҳамиша тушкун кайфиятда юрвчи, журъатсиз ва тортинчоқ, бир сўз билан айтганда бўшанг кишилардаги мотивацияни ошириш учун менимча энди энг аввало, ўша маънавий бўшлиқни топиб, тўлдириш зарур...

Бундан маълум бўлмоқдаки, бизнинг мотивациямиз маънавий оламимиз билан ҳам билвосита, ҳам бевосита боғлиқ экан. Айна пайтда келиб чиқадиغان яна бир хулоса: демак, минг афсуски биз баланд овозли мусиқа эшитиш, ё “Мен бахтлиман!” , “Мен кучлиман!” деб ўз-ўзига такрор қилишимиз ўзи билан бахтли, ёки руҳан журъатли бўлиб қололмаймиз. (Бир дўстим айтганидай, қайси бахтли одам ўзига шундай дейди?! Бу ўзининг устидан қулиш, ўз-ўзини таҳрирлаш эмасми?!).

**Агар ҳозир мен сиздан, маънавий оламни бойитишнинг асосий манбаалари нималарда, деб сўрасам, сиз табиийки мулоқот, мутолаа, классик оҳанглари санаб ўтасиз. Ва адашмаган бўласиз. Аммо ҳозир мен сизга сизни фаолиятга ундайдиган, иштиёқ ва ғайрат билан таъминлайдиган яна бир сеҳрли кучни маълум қилмоқчиман. Бу, шубҳасиз – одамларга бўлган муҳаббат.**

## ТУШУНАРЛИРОҚ БЎЛСИН УЧУН

Сизга янада тушунарлироқ бўлиши учун, тиббиётдан ҳам мавзуга доир бир мисол келтирмоқчиман. Масалан, тиббий нуқтаи назардан кўшимча гармонга муҳтож бўлган одамлар мавжуд. Уларнинг қайсидир гармонларни ишлаб чиқарувчи безлари яхши ишламайди ва шифокорлар у инсонни кўшимча сунъий гармон билан таъминлаб туришга мажбур бўлишади. Ушунда нима бўлади? Организм ялқовланиб қолади, тайёр сунъий гармон қонга оқиб киргани туфайли камроқ ишлаб турган гармон безлари секинлик билан ўз ишини тўхтата бошлайди. Натижа эса бутун организм фаолияти бузилиши, ўз вазифасини бажармаётган гармон безларининг ички органларни аста-секин емириши билан тугайди. Бу жараён, ўзининг мавжуд маънавий оламини бойитмасдан, ҳархил майда-чўйдалардан мотивация қилдириш ва турли ноаниқ аффирмациялар ила ўз-ўзини алдаш билан, менимча деярли бир хил. Фақат биринчи таъна емирилса, биринчи шахснинг маънавий олами, руҳияти барбод бўлади.

## ХУЛОСА

Хуллас, сизни ишонтира олдимми, йўқми билмайман, юқоридаги барча мулоҳазаларимдан фаолиятга ундовчи кучни ишга туширишнинг энг яхши ва барқарор йўли – шунчалик маънавий оламни бойитиш, деган хулоса келиб чиқаяпти. Агар ҳозир мен сиздан, маънавий оламни бойитишнинг асосий манбаалари нималарда, деб сўрасам, сиз табиийки мулоқот, мутолаа, классик оҳанглари санаб ўтасиз. Ва адашмаган бўласиз. Аммо ҳозир мен сизга сизни фаолиятга ундайдиган, иштиёқ ва ғайрат билан таъминлайдиган яна бир сеҳрли кучни маълум қилмоқчиман. Бу, шубҳасиз – одамларга бўлган муҳаббат. Қаллақасарларни истисно қилганда, албатта бу гапим ҳазил, унутманг – одамларга бўлган муҳаббат ҳар қайси касб вакиллари руҳияти қарида беркиниб ётган ички имкониятларини очиб ташлашга қодир. Шу сабаб ҳам мен ўз касби юзасидан мотивация қидираётган кишиларга биринчи навбатда инсониятни, бани башариятни севинг, шунда сиз жасоратли ва тиришқоқ “Мартин Иденга” айланасиз, деб қолган бўлардим...

Байрам АПИ

# “UCH KUN TO‘Y BERMOQ RIYOKORLIKDIR”

Яқин тарихга назар солади-ган бўлсак, XX аср бошларида яшаб-ижод қилган маърифатпарвар зийлиларимиз А.Қодирий, А.Авлоний, А.Фитрат ва М.Беҳбудийлар тўйларда ўзини кўз-кўз қилиш мақсадида орқиқча харажат ва дабдабаозликларга чек қўйиш кераклигини уқтириб келишган. А.Қодирийнинг “Бахтсиз куёв” драмаси бунга мисол бўла олади.

Ушбу драмада асар қахрамони никоҳ тўйини қилишда расм-русум, урф-одатларга (моҳиятан исрофгарчилик, дабдабаозлик, кўз-кўз қилиш каби иллатларга) амал қиламан деб, қарзга ботади ва ночор вазиятга тушиб қолади. Охир-оқибат, асар якунида келин-куёв ўз жонларига қасд қилишади. Икки ёшнинг бевақт ўлимига тўй ўтказиш маросимларидаги исрофгарчилик сабаб бўлади.

А.Фитрат бу хусусда: “Фалончи доирачи ва сурнайчини дунёнинг фалон чеккасидан беш юз танга вазизга келтириш, фалон бир раққосани қай бир жаҳаннам гўшасидан минг танга бериб

қақриб, узун тунлар минглаб бесару-бадмастларни тўлаб базм бериш харом, фикс, икки дунё юз қаролига сабабдир”, – деб ёзган эди.

А.Авлоний эса: “Бизни илмсизлик, тарбиясизлик, тўй деб мингларча ақчаларни беҳуда исроф этмаклик оғир аҳволга солди. Ақниё ва сарватдорларимиз тўй пойғаси қилиб, фақир ва камбағалларимиз бор-йўқларига қарамасдан уйларини, боғларини, тўнларини сотиб тўйга сарф қилмақдаурлар. Тўй деган ерда муқаддас Ватанини сотишдан тоймайдиган, истиқболни ўйламаган ва болаларининг саодатини тушунмаган бир қавмдан қандай тараққий, маданият ва маърифат кутмак керак?” – дея бу иллатлардан қутулмоқ йўлини излаган эди.

Шунингдек, пайғамбаримиз Муҳаммад (САВ) нинг “Никоҳ тўйида бир кун таом бериш суннат, икки кун таом бериш исрофгарчилик, уч кун таом бериш риёкорликдир”, деган сўзларини саҳих ҳадис сифатида келтиришлари бежиз эмас.

Кўриб турганимиздек, яқин ўтмишимизда ҳам буюк зиёлилар –

жадидлар, шунингдек, диний уламолар ҳам, никоҳ тўйлари қилишда исрофгарчиликка йўл қўймасликка қақришган, аммо ҳозирда аксинча, тўй маросимларига, расм-русумларга янгича урф-одатлар қўшилмоқдаки, оқибатда исрофгарчилик янада авж олишига сабаб бўлмоқда. Бу одатлардан, удумлардан халқимиз бирданига воз кеча олмаёпти, чунки одамлар онгида ҳеч кимдан кам бўлмаслик, ўзини кўрсатиш каби иллатлар чуқур илдиш отиб улгурган. Никоҳ тўйларида исрофгарчилик бўлиши гўёки табиий ҳолатдек, бу ҳар қандай тўй ёки оилавий тадбирнинг ажралмас қисмидек, халқимиз шуурига сингиб кетган. Ҳатто бу ҳолат ўзаро ижтимоий мажбурият даражасига кўтарилган, яъни, ота-оналар фарзанднинг тўйида дастурхони тўкин-сочин бўлишини, машҳур кўшиқчилар хизматда бўлишини ўзининг мажбурияти, ҳатто фарзи деб биладилар, чунки уларнинг ўз тўйлари ҳам шундай бўлган ва худди шундай тўйларга таклиф қилинишган, шундай тўйлар иштирокчиси бўлишган.

Тўй-ҳашамлар ва бошқа оилавий тадбирларни ўтказиш тартиби

тўғрисида 2019-йил 14-сентябрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Сенати Кенгазининг қўшма қарори қабул қилинди. Қарорда тўй ва бошқа маросимларнинг ўтказилиш тартиби кўрсатилиб, депутатлар, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ва ички ишлар органларининг профилактика инспекторлари томонидан назорат қилиниши айтиб ўтилган. Қарорга мувофиқ қонун 2020 йил 1-январдан қучга кирган, энди қарорнинг ечимини топиш учун барчамиз бирдек курашмоғимиз зарур.

Эш авлодни маънавий етуқ, дунёқароши кенг, ҳашаматли иллатларга қарши иммунитетли қилиб тарбиялашда ота-оналар билан бир қатарда ўқитувчиларимизнинг ҳам ўрни беқийёс. Шу сабабли мактабларда ўқитиладиган “Одобнома”, “Ватан туйғуси”, “Миллий истиқлол гоёси ва маънавият асослари” фанларига ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига қараб тўй ва бошқа маросимларни ўтказишга доир мавзулар киритилиши мақсадга мувофиқ деб ўйлайман. Шу тарзда, балки келажақ авлодни исрофгарчиликка олиб келади-ган иллатлардан қутқарган бўлармидик.

Қундуз ДАВЛЕТОВА,  
Тўртқўл туманидаги  
35-мактаб ўқитувчиси.



# ENSHTeyNNI TIRILTIRADIGAN ASAR



Кўпчилик ҳамма ёзувчи-шоирларни кўнгли нозик, аразчи бўлишса керак, деб ўйлайди. Улар эса аксар ҳолларда бир-бирларига беғараз, аммо шу қадар қалтис ҳазиллар қилишади-ки, буни ижодкорларнинг ўзидан бошқаси кўтариши қийин.

Ўзим каби ёш ёзувчилардан бири жўрттага "Асарларимни тушуниш учун одам кучли физик бўлиши керак!" деб мақтанишни яхши кўрарди. Бир галги даврада ҳам у шундай мақтанган эди, мен ҳазиллашди:

– Оббол... Эйнштейнни қаердан тирилтириб келамиз, ака? Қўйинг, ундан кўра биздай шўриқлар тушунадиган қилиб оддийроқ ёзинг, – дедим.

– Асаримни ўқиб эшиттирсанглар, Эйнштейн ўзи тирилиб, қабридан чиқиб келади! – дея янада баландроқдан келди у.

Шунда даврамизнинг қатнашчиси устоз Луқмон Бўрихон табассум қилиб: – Тирилиб келиши-ку, аниқ... Лекин қабридан чиқа солиб, аллақайқа қочса керак, – дедилар.

### ИМЛОВИЙ ХАТО

Бир танишимни учратган эдим:



– Биласанми, ҳозир сенга яқинда ҳаётимда рўй берган воқеани гапириб берсам, яхшигина ҳажвия ёзишиг мумкин, – деб қолди.

– Хўш-хўш, қанақа воқеа экан? – сўрадим сергақлиб.

– Шу-у... Уйда жанжал чиқиб, янган билан ажрашиб кетишимизга оз қолди-да...

– Сабаб? Бир куни ишдан қайтсам, янган столчада хат қолдирган экан. "Ўқишга кетдим" деб.

– Шунга нима бўлибди? – ажабландим мен. – Муаммо нимада?

Танишим "айтсамми-айтмасамми", деган иккиланиш билан биров илжайиб турди-ю, деди:

– Гап шундаки... "Ўқишга" сўзидаги "Қ" ҳарфи унча келишмай "П"га ўхшаб қолган экан...

### АСАРГА НОМ ҚўЙИШ

Баҳодир Абдураззоқни китобхонлар яхши танийди. Унинг "У" асари ҳам адабиётшунослар томонидан илқ кутиб олинган эди. Аммо мен аминманки, айнан ўша асар – "У" га ном қўйиш билан

боғлиқ ҳангомани саноқли кишиларгина билса керак.

Хуллас, асарни ёзиб тугатган Баҳодир Абдураззоқ дўсти Нуриддин Эгамовга кўнғироқ қилиб, яхши бир қисса ёзганини, бироқ асар номига кўнгли тўлмай турганини айтади. Нуриддин акадан қиссани ўқиб чиқиб, ном масаласида ёрдам беришини илтимос қилади.

– Бажонудил, – дейдилар, табиатан ҳазил-мутойбага ўч бўлган Нуриддин ака. – Мен хатто асарингни ўқимасдан туриб жуда оригинал ном қўйиб беришим мумкин.

– Қанақасига? – Шунақасига! "У"!

– Нима У?

– Асарингнинг номи "У"!

Баҳодир Абдураззоқ ўйлаб қараса, бунақа номли асар ҳақиқатан ўзбек адабиётида учрамайди. Узукка кўз қўйгандек мавзуга мослиги камдай, кенг қамровли, ўқувчининг тасаввурига истаганча эрк берадиган ном.

– Яшвор-е, ошна, – деб юборади Баҳодир Абдураззоқ. – Сен тугма истеъдодли муҳаррирсан! Айт, бу ажойиб топилма учун сени қандай рози қилай?

– Кўп нарса сўрамайман. Шу асарингни менга бағишлаб қўяқол.

Қувончи ичига сиғмаётган ёзувчи асарининг хошиясига "Нуриддин Эгамовга" деб битиб қўйишни ваъда беради. Аммо бир неча кун ўтиб асарни ўқиб чиққан Нуриддин ака адибга жигибийрони чиқиб телефон қилади

ва асарнинг хошиясидаги "Нуриддин Эгамовга" деган илованинг олиб ташланишини сўрайди.

– Нега? – Баҳодир Абдураззоқ ажабланади.

– Нега эмиш! Билиб турибмаан сенинг атай қилганингни! – тутқади Нуриддин ака. – Асаринг шайтон ҳақида экан-ку, аблаҳ!

### ИШНИНГ "КўЗИ"НИ БИЛАДИГАН УСТА

Қишлоғимиз устаси Исматилло ака гишт қуйиш учун цемент сотиб олади. Кўчадан мардикор топиб келиб, мақсадни тушунтиради-да, ўзи ишига жўнаб кетади. Икки соатлардан сўнг қайтиб келса, ҳалғи мардикор йигит соя-салқинга ўтириб олиб, хузур билан чой ҳўплаётган эмиш.

– Ўтиришлар чакимас-ку! Гиштлар бўляптимиз, уста? – сўрайди Исматилло ака.

– Ҳа, деярли тайёр, – бамайлихотир жавоб беради йигит, – Ҳозиргина катта хандақ қовлаб эритиб қўйдим. Яхшилаб пишисин, бир зумда гишт қилиб, қуйиб ташлайман!

– А?! – жон-пони чиқиб кетади Исматилло аканинг. – Эритиб қўйдинг? Қанчасини?!

– Ҳаммасини-да. Биз ишнинг кўзини биламиз, майдалаб ўтирмаймиз!

– "Ушанда, – деганди, менга воқеани Исматилло аканинг ўзи гоҳ қулиб, гоҳ қуйиб гапириб бераркан, – Хандақда қотиб қолган цементга санчиб қўйилган кетмонни минг уриниб ҳам суғуриб ололмадим. Олганимда эди, у берафосатнинг аниқ бошини ёрардим!"

### Б. ҚўЛДОШЕВ тайёрлади.


– Ўтиришлар чакимас-ку!  
Гиштлар бўляптимиз, уста? – сўрайди Исматилло ака.  
– Ҳа, деярли тайёр, – бамайлихотир жавоб беради йигит, – Ҳозиргина катта хандақ қовлаб эритиб қўйдим. Яхшилаб пишисин, бир зумда гишт қилиб, қуйиб ташлайман!

# О'С'ЛИМНИ ВАҚТИДА УЙЛАНТИРИШГА ИМКОНИМИЗ YETMADI

Жорий йилнинг 30 январь куни Фарғона тумани "Ўртақишлоқ" қишлоғида яшовчи 55 ёшли фуқаро С.М. Қувасой шахрида яшовчи 66 ёшли фуқаро М.М. ҳамда 29 ёшли фуқаро Ю.Г.ларга ноқонуний равишда шаръий никоҳ ўқийётгани ҳақидаги хабарни ўқиган ижтимоий тармоқ кузатувчилари ўртасида турли баҳс-мунозаралар бўлди.

66 ёшли фуқаро билан 29 яшар аёл фуқаронинг кейинги тақдири қандай бўлгани бизга қоронғу. Масаланинг яхши томони нимада биласизми, шундай хабарларни матбуотга чиқарилганида. Бундан кўпгина ёшлар ўзларига тегишли хулоса чиқариб олишди. Ахир касални яширсанг иситмаси ошкор қилади, деб бежиз айтишмаган. Бекитиб нима қилдик, ҳозир ўғил уйлантириш ёшидаги айрим йигитларнинг онаси билан гаплашсангиз уларнинг энг оғир муаммоси нимада, биласизми, ҳали уйланмаган ўғлининг ота-онасидан яширинча шаръий никоҳ асосида яшаётганида. Яқинда бир онахон билан шу мавзуда суҳбатлашиб қолдик.

– Ўғлимни вақтида уйлантиришга имконимиз етмади, – дейди аёл чуқур уф тортиб. – У ўзидан 16 яшар катта бир нафар қиз фарзанди бор аёлга шаръий никоҳ асосида уйланиб олибди. Ўша аёлдан фарзандли бўлибди ҳамки беҳабар қолибмиз. Уй-жойимизни таъмирлагач, яхши ният билан ўғлимга келин излашга тушдим. Шунда у биздан яширинча уйланиб олганини ва ўғли борлигини айтди. Дадаси бу иснодни кўтара олмади. Бу оламини эрта тарк этди. Аммо мен ниятимда қатъий турдим, ўғлимни уйлантираман васалом. Шу ният билан келин қидира бошладим ва кўнглимга маъқул қизни топдим. Тўй куни ўғлимнинг шаръ-



ий никоҳдаги хотини келиб жанжал кўтарди. Қудаларим тушунган одамлар экан, арқонни узун ташлаб қўйишди. Хуллас, номард ўғлимни ҳозир қонуний хотинидан ҳам ўғли бор. Келиним ойдек, ўғлимни ҳурмат қилади, юзига ҳеч нарса солимай тақдирга тан бериб яшаяпти. Аммо икки ойдан буён яна биринчи хотининикига кетган, бизга қорасини кўрсатмаяпти. Мендан жуда катта хатолик ўтди. Ўғлимнинг хатти-ҳаракатларидан нотўғри қадам ташлаётганини сезиб юрардим, аммо тан олгим келмасди. Бу воқеани бизга айтганидан кейин ҳам кеч эмасди, ўшанда маҳалла фаолларидан маслаҳат сўраганимиз алам қилади.

Яна бир ўғлини оқ ювиб, оқ тараб отасининг йўқлигини билдирмай яшаётган аёлнинг қайғуси юқоридаги онаникдан кам эмас. Шарифа исмли аёлнинг турмуш ўртоғи оламдан ўтгач, уч нафар фарзандини бир ўзи оёққа турғазди. Бо-

### U esa...

– Ўғлимни вақтида уйлантиришга имконимиз етмади, – дейди аёл чуқур уф тортиб. – У ўзидан 10 яшар катта бир нафар қиз фарзанди бор аёлга шаръий никоҳ асосида уйланиб олибди. Ўша аёлдан ўғил фарзандли бўлибди ҳамки биз бундан беҳабар қолибмиз.

тополмай қолган. Хўш, йигитларнинг ўз тақдирини яъни келажagini бунчалар осон ҳал этаётганининг сабаби, нимада деган савол билан юртдошларимизга юзландик.

### Шерзод Омонов, тадбиркор:

– Менимча, йигитлар уйланиш ёшига етганда оилавий шароити етарли бўлмайди. Вақтинчалик яшаб, кейин узоқлашман, деган ниятда ажрашган аёллар билан шаръий никоҳдан ўтиб олади. Аммо бора-бора ундай тажрибали аёллардан қутула олмаб, тутилиб қолганини билмай қолади.

### Шарифа Орипова:

Фикримча, миллий сериалларимизда ҳам кўпроқ хотинбозлик тарғиб қилинаётганидан бўлса керак...

Жуманазар Аҳмедов: "Ўз шахсий фикрига эга инсон телевизорда кўрган фильмини ҳаётда қўллаб кўравермайди. Ҳар кимнинг дунёқарашига боғлиқ.

### Феруза Йўлдошева:

Ношукр, бе-сабр, имлсиз йигитлар мана шундай ота-онасининг кўзига чўп суқади.

Психологлар эса ўғил болаларнинг турмуш ўртқ таллаш ҳақидаги тушунчалари кўпроқ онасини кўриб шаклланади, деган фикрни айтишади. Демак, бугун йигитларнинг тақдирида муаммо борми, бунда энг катта масъулият оналар зиммасига тушмоқда.

### Ифтихор

### ЭЪЛОН

Қосимов Чори Содиқовичга 1991-1993 йил 4-хунар-техника билим юрти томонидан №34409 рақами билан рўйхатдан ўтган Г 121907 диплом йўқолгани сабабли БЕКOP қилинади.





Ўтган йилдан бошлаб Бахт шахридаги ўғил болалар махсус коллежи, Чиноз туманидаги 5-сонли қиз болалар мактаб интернати, Самарқанд шахридаги 64-сонли ўғил болалар мактаб интернатидан вилоят бўйича 79 нафар болалар ўз уйларига қайтишди. Мазкур таълим-тарбия муассасаларида тарбияси оғир, ижтимоий хавфли қилмиш содир этган, аммо жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлмаган ёшга тўлган болалар истиқомат қилади. Хўш, бу болаларни уйда қандай вазият кутмоқда? Уларнинг яшаши, тўла-тўқис бўлмаса-да, ҳарқолда аниқ бир макон ва меҳрга эга бўлишлари учун қандай имкониятлар бор?

Самарқандда шу болалар яшаган туман, маҳалла мутасаддилари иштирокида ўтказилган семинарда ўша болаларнинг аҳвол-руҳияти, уларнинг бугунги кундаги ҳолати ўрганилди, тавсиялар берилди. Тавсиялар берилди, дейишимиз биров нотўғри, чунки ҳар бир шахар, тумандан келган мутасаддилар аниқ болалар билан ишлаш механизми ҳақида бошидан ўтказганларини сўзлаб беришди, имконсиз ҳолатлар бўйича ёрдам сўрашди.

Туманда тарбияси оғир деб ҳисобланадиган болалар билан ишлашда тажрибамиз бор, — дейди Булунгур туман ИИБ вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профи-

лактикаси ташкил этиш гуруҳи катта инспектори Х.Ҳақимов. — Мисол учун ўтган йилда етти ой давомида бедарак кетган бола бўйича иш келиб тушди. Бола топилгач, у билан барча тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида суҳбат ўтказилди. Унинг қизиқишларини ўргандик. Математика фанига қизиқаман, спорт билан шуғулланаман, деди. Унинг қизиқишлари учун шароит яратиб бердик. Ҳозир унинг баҳолари аъло, спортга ҳам мунтазам қатнашиб турибди. Боланинг ҳолидан хабар олиб турибмиз. Интернатдан қайтиб келган бола билан ҳам худди шундай усулни қўллашга ҳаракат қилаяпмиз. Афсуски, боланинг ота-онаси ёши улуглиги боис биров қийинчиликлар юзага келаяпти.

### Бола эмас, ота-она билан ишлаш керак

— Юқорида номлари келтирилаётган мактаб-интернатлар фаолияти билан танишганда, у ердаги болаларнинг 5 фоизи жиноятга қўл ургани, қолган 95 фоизи, шунчаки, оиласига

керак бўлмаган болалар эканлиги маълум бўлди, — дейди семинарда иштирок этаётган халқаро даражадаги юрист, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси вакили А.Гаспарян. — Афсуски, ота-она билан ишлаш ўрнига, болалар оиласидан ажратилиб, улкан бир муассасага жойлаштирилди. Энг ёмони, ушбу муассасадан қайтган бола янши томонга ўзгариши кам кузатилди. Бугун ота-оналар билан кўпроқ ишлаш кераклиги аниқланаёпти. Бола учун уйдан, ота-онасидан, яқинларидан яхшироқ маскан йўқ. Буни ҳар бир ота-она тушуниши, бу мақомга эга бўлишидан олдин англаши керак. У туғилмакчи фарзандига оталик ё оналик қилоладими ўзи? Ёки

# TARBIYASI OG'IR BOLALAR YO'Q

faqat tarbiya berolmayotgan ota-onalar bor, xolos

фарзандли бўлса бўлдими, қолгани ўз йўлида давом этадими? Ота-онанинг тушунчаси қандай?

Ўзбекистонда фаолияти бевосита оилалар билан ишлашни тақозо қиладиган ташкилотлар сони бошқа давлатларга нисбатан анча кўп. Демак, бу масалада жиддий ишлаш керак. Мухими, ушбу ташкилотлар фаолиятини тизимлаштириш, оилалар билан ишлашда битта жамоага айлантиришда.

### «Интернатга қайтишни истамайман...»

Тойлоқ туманида Чиноздаги мактабдан қайтиб келган қиз билан ўша маҳалла фаоллари, профилактика инспектори шуғулланмоқда. Буни қарангки, ота-онаси фарзандининг уйига қайтишни истамайди, қиз ҳам ўз навбатида бу оилада қолишга хоҳиши йўқ. Гап шундаки, қизни болалигидан ота-онаси эмас, аммаси тарбия қилди. Оилада бошқа фарзанд бўлмагани учунми, уни эркин ўстирди, истаган жойига борди, хоҳлаганини кийди. Аммо улғайгани сари на аммасининг, на ота-онасининг гапига киришни истамади. Натижада нохуш вазиятларга дуч келди, уйдан кетиб қоладиган одат чиқарди. Кейин тарбияси оғир болалар сифатида Чиноздаги интернатга жўнатилди. Энди муддат ўтгач, қайтиб келиши керак, аммо мана бир неча ойдирки, у аллақачон ўша қилиқларини бошлаган. На каттанинг ва на кичикнинг гапига қулоқ солишни истамайди. Тумандан келган турли ташкилот вакилларининг айтишларига қараганда, ота-онаси бир неча марта қизи туғайли маъмурий жавобгарликка тортилган. Аммо натижа йўқ. Оиладаги муҳит янши, уларнинг молиявий аҳволи ҳам ёмонмас. Лекин нега қиз ўз уйдан, ота-она эса қизидан безор? Хўш, бундай ҳолатда мутасаддилар қандай йўл тутиши керак?

### Ота-оналик мажбуриятини бажармаслик Конституцияга зид

— Бу масалада биринчи навбатда шунга таъкидлаш керакки, болага биратўла иккита ташкилот масъул бўлолмайди, — дея бу вазиятга изоҳ берди А.Гаспарян. — Ота-она битта ташкилот бўлса, давлат бу иккинчи ташкилот. Асосий масъулият улар томонда бўлиши керак. Баъзи ота-оналар учун эса гўёки бола машина, истаса ўз уйда сақлайди, халақит берса, гаражга қўйиб қўйиш керак, деб ҳисоблайди. Тилимизда ҳуқуқ

тушунчаси кенг маънога эга. Аммо ота-оналик ҳуқуқи мажбурият билан тенгма-тенг тарзда олиб борилувчи тушунчадир. Яъни, ота-она фарзандининг тарбиясини бўйнига олмаслиги, буни истамаслиги мумкинмас, бу ҳатто Конституцияга зид ҳолат. Ота-она фарзандини тўлиғича давлатга топшириб қўймоқчимиз, уни суд орқали ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш керак. Оиласидан меҳр, тушуниш тополмаган, кераклигини ҳис қилмаган фарзандгина уйдан кетишни истайди. Болага унинг керакли эканлигини билдириб туриш керак. Уйда ноғирон фарзанди, қарияси бор оилалар бор. Шу хонадонга бу каби болаларни бириктириб қўйиш иккала томон учун ҳам фойдали бўларди.

### «Ҳамма айтганларингизга розиман, уйимга қайтсам бўлди»

Ургут туманида 17 ёшли Маликни олиб кетишга борган маҳалла фаоллари ўша ердаёқ «бу ерга бошқа қайтмайман, илтимос, майли, барча айтганларингизни бажараман» дея қўзда ёш билан ваъда берди. Қишлоққа қайтгач, ўз сўзи устидан чиқаяпти.

— Ҳозирги кунда интернатдан қайтиб келган боланинг оиласини оила деб аташ ҳам қийин, — дейди мутахассис ола. (маълум сабабларга қўра маҳалла номини ошкор қилолмаймиз.) — Онаси ўн йилдан буён Россия давлатида, қизларини турмушга бериб, яна кетиб қолди. Ота ичкиликка берилган. Бу хонадонда боланинг аҳволи қийин бўлишини ҳисобга олиб, уни бувига, васийликка топширдик. Ҳозирги кунда тўғаракларга қатнапти, болага сезиб-сездирмай назорат қилиб турибмиз.

Дарвоқе, Республика «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази томонидан, ЮНИСЕФ техник қўмаги билан ва Буюк Британия элчихонаси маблағи ёрдамида амалга оширилаётган «Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимидаги ислохотларни кучайтириш ва ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидаги болаларнинг реинтеграция ва реабилитациясини қўллаб-қувватлаш» лойиҳаси Самарқандда барча шахар ва туманларни қамраб олди. Лойиҳа доирасида болаларни оиласига қайтараш йўллари бўйича тренер, ҳуқуқшунослар тавсиялари берилди.

Гулруҳ МҶМИНОВА.

## ANIQ CHORA-TADBIRLAR BELGLANDI

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан корона-вирус инфекцияси бўйича эпидемик вазият ва касаллик тарқалишини олдини олиш чора-тадбирларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Унда Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Санитария-эпидемиологик осойиш-

талик агентлиги, Ташқи ишлар, Ички ишлар, Фавқулотда вазиятлар, Олий таълим, Халқ таълими, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси мутасадди ходимлари иштирок этишди.

Айни кунларда дунё нигоҳи қаратилган мазкур вазият жуда долзарб бўлиб қолмоқда. Ҳозиргача Хитойдан ташқари 50 га яқин давлатда бу инфекция аниқланган. Жаҳонда эпидемик вазият кун сайин ўзгариб, касаллик шиддат билан бошқа давлатларга ҳам тез тарқалмоқда. COVID-19 номини

олган бу инфекция бўйича юзага келган нохуш вазият юртимизга кириб келиши ва тарқалишини олдини олиш борасида қатор амалий ишлар олиб борилмоқда.

Барча тегишли вазирлик ва идораларга ушбу касаллиқни олдини олиш бўйича аниқ кўрсатма ва вазифалар белгиланган. Коронавирусни аниқлаш бўйича тест-системалари, шунингдек, тиббиёт ходимлари учун шахсий ҳимоя воситалари, тиббий техника ва буюмлар захираси яратилмоқда. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Санитария-эпидемиологик осойишталиги агентлиги

ҳузурида узлуксиз 24 соат фаолият кўрсатувчи штаб ташкил қилиниб, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти билан мустаҳкам ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди.

Лекин бу хотиржам бўлишга асос бўла олмаслиги анжуманда таъкидланди. Мамлакатимиздаги барча ҳаво ва темир йўлларида ташкил қилинган санитария-карантин пунктлари, худудларда тузилган штаблар фаолиятини бугунги кун талабидан келиб чиқиб қайта қўриб чиқиш ва жойларда санитария талабларига риоя қилиш юзасидан масъулларга аниқ топшириқ ва кўрсатмалар берилди.

Чорихон ҚОСИМОВ



## «TEMUR TUZUKLARI» NING YOSHLAR TARBIYASIDAGI O'RNI

Маълумки, ҳар бир халқнинг ўз тарихи, маданияти ва шу халқни маданий ва маънавий ҳаётида ўчмас из қолдирган ўз олиму фузалолари, давлат арбоблари, алломалари бор. Айниқса, улар қолдирган маънавий мерос, яъни улар яратган асарларда адолат ва ҳақиқат ғоялари ўз ақсини топганлиги ва ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаганлиги, балким қадр-қиммати янада ошаётганлиги тарихий ҳақиқатдир.

Ана шундай тарихий асарлардан бири бу – миллий давлатчилигимиз тарихида чуқур из қолдирган Амир Темурнинг эски ўзбек тилида ёзиб қолдирган "Тузуки Темурий" яъни "Темур тузуқлари"дир. Асарнинг нафақат халқимиз тарихида, балки умумжаҳон цивилизациясида ҳам муҳим роль ўйнагани тарихий ҳақиқатдир. Маъ-



лумки, "Темур тузуқлари" давлат тузилиши, ички ва ташқи сиёсат, унда адолат, иймон-эътиқод тамойиллари ва қонун устуворлиги, салтанат ва раият, ижтимоий-сиёсий гуруҳлар, уларнинг ҳуқуқ ва бурчлари ҳақидадир.

Айниқса, давлат бошқаруви тизимида Темур тузуқлари кўпгина мамлакатлар учун дастуруламал бўлиб хизмат қилгани диққатга сазовордир. Шу мақсадда улар "Темур тузуқлари"ни ўз тилларига таржима қилиб, мустақкам давлат қуриш йўлини, бошқарувда нималарга эътибор қаратилишини соҳибқирон ўғитларига амал қилган ҳолда ўрганиб, давлат бошқарувида кенг фойдаланганлар.

Амир Темурга нисбатан берилган салбий баҳолар ва фикрлар замирида тарихий адолатсизлик, тарихни бузиб кўрсатиш, халқимиз ва унинг тарихига нисбатан ҳасад, миллий ғурурни синдириш каби иллатлар ётади. Тарихда ўтган буюк шахсларга баҳо берганда, уни қайси миллатга мансублигига қараб эмас, балки қилган ишларига, фаолиятига, эл-юрти учун қолдирган моддий ва маънавий меросига, қолаверса, жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасига қараб баҳо бериш—адолатли ва ҳолисона баҳо бўлади десак муболаға бўлмайди.

Агарда Темур қолдирган маънавий меросимиз ҳисобланмиш "Темур тузуқлари"ни чуқурроқ ўрганиб, унда айтилган танбёҳлар, маслаҳатлар,

насихатларни чуқур таҳлил қилганда Соҳибқироннинг нафақат кенг сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий қарашлари, балким юксак инсоний фазилатлар соҳиби эканлигига амин бўламиз.

Айниқса, миллий тараққиётга тўсқинлик қилувчи, халқ тинчлиги ва аҳиллигига, инсон ҳаётига жиддий хавф солувчи турли иллатларга қарши кескин курашда Амир Темурнинг ўрни беқиёсдир. Чунки улуг бобокалонимиз ушбу иллатлардан ҳам ва шу иллатли одамлардан ҳам ҳазар қилган. Темур тузуқларида ёзилганидек: "Бузуқи, оғзи шалоқ, ғийбатчи одамларни мажлисларимга йўлатмадим. Сўзларига амал қилмадим. Бирон кимса хусусида тўхмату ғийбат қилсалар, қулоқ солмадим". Шу ўринда савол туғилади, бу қандай иллатларки халқ тинчлиги, аҳиллиги ва миллий тарраққиётга раҳна солса? Бу иллатлар — ҳасад, ғараз, ғийбат, лоқайдлик ва бошқалардир. Бу иллатлардан нафақат бизнинг халқимиз, бошқа халқлар ҳам жабр кўрган.

Камола ШОИМОВА,  
Навоний вилояти Хатирчи  
туманидаги  
20-ўрта мактаб ўқитувчиси

**НАМАНГАН**  
**"ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ ИНВЕСТ"**  
**масъулияти чекланган жамияти**

*жамоаси барча хотин-қизларимизни, онажонларимизни ва опа-сингилларимизни кириб келаётган 8-март – Халқаро хотин-қизлар байрами билан қизгин табриклайди.*

*Азиз ва мўътабар аёлларимиз, бахтли келажак, фарзандлар камоли ва тарбияси йўлидаги саъй-ҳаракатингизга, давлат ишларидаги иштирокингизга жўшқинлик ва баҳорий кайфият ёр бўлишини тилайди.*

Хизматлар лицензияланган

Oila va jamiyat

Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газета

Обуна индекси – 176

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, "Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш" ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди

Бош муҳаррир: Акбар ҚАРШИЕВ

МАНЗИЛИМИЗ:

Тошкент – 100000.  
Амир Темур кўчаси  
1-тор кўча, 2-уй.Қабулхона: (факс) 233-28-20,  
Котибият: 233-04-35, 234-76-08

E-mail: oilavajamiyat@mail.ru

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

Газета 2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169 рақами билан рўйхатга олинган. Буюртма Г – 336. Формати А-3, ҳажми 3 табоқ. Адади – 2892. Ваҳоси келишилган нархда.

Босишга топшириш вақти – 15:00 Топширилди – 15:00

Навбатчи: Б. Исмоилов  
Мусаҳҳиҳ: С. Сайдалимов  
Саҳифаловчи: А. Маликов

ISSN 2010-7609



Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5